

**INFLUENCE OF BUDDHIST SOURCES ON CHINESE LANGUAGE AND LITERATURE****F. Khasanova**

Associate Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE**Key words:** Buddhism, Sanskrit, missionary movement, ancient Chinese.**Received:** 02.06.22**Accepted:** 04.06.22**Published:** 06.06.22**Abstract:** This article discusses the impact of Buddhism on Chinese linguistics and translation studies. On the basis of the historical development of cultural ties between China and India, the formation of the Chinese language of oral communication, the Chinese school of translation studies, is of particular importance. In the process of studying the genres of ancient Chinese spoken language as a source of language, a number of issues are clarified on the translation of Buddhist sutras into Chinese, their spread among the people, and the emergence of different genres accordingly.**БУДДИЗМ ДИНИГА ОИД МАНБАЛАРНИНГ ХИТОЙ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ****Ф. Ҳасанова**

Доцент

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА**Калит сўзлар:** Буддизм, санскрит, миссионерлик ҳаракати, қадимги хитой тили.**Аннотация:** Мазкур мақолада Буддизм дининг хитой тилшунослиги ва таржимашунослигига таъсири ҳақида фикр юритилади. Хитой ва Ҳиндистон маданий алоқаларининг тарихий такомилли негизида хитой оғзаки мулоқот тили, хитой таржимашунослик мактабининг шаклланиши алоҳида аҳамиятга эга. Қадимги хитой оғзаки мулоқот тилидаги жанрларни тил манбаи сифатида тадқиқ этиш жараёнида, Хитой тилига Буддизм дини сутралари таржимаси, халқ орасида тарқалиши, шунга кўра турли

ВЛИЯНИЕ БУДДИЙСКИХ ИСТОЧНИКОВ НА КИТАЙСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРУ

Ф. Хасанова

Доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: буддизм, санскрит, миссионерское движение, древнекитайцы.

Аннотация: В данной статье рассматривается влияние буддизма на китайскую лингвистику и переводоведение. На основе исторического развития культурных связей между Китаем и Индией особое значение имеет формирование китайского языка устного общения, китайской переводческой школы. В процессе изучения жанров древнекитайской разговорной речи как источника языка проясняется ряд вопросов по переводу буддийских сутр на китайский язык, их распространению в народе и соответственно возникновению различных жанров.

КИРИШ

Минг йиллар давомида хитойликлар санскритдан будда сутраларини таржима қилганлар, бу эса ўз ўрнида Хитойда ҳинд маданияти ва динини олиб киришга, шунингдек, хитой маданиятини янада гуллаб яшнаши ва тараққий этишига амалий ёрдам бўлган. Буддавийлик динига оид таржимонлик фаолияти ўз кўламига кўра жуда улкан бўлиб, унда алоҳида даврларда фаолият олиб борган жами икки мингдан зиёд одам иштирок этган. Таржимонлик фаолиятининг вақт нуқтаи назаридан иккинчи тўлқини Мин ва Цин сулолалари (XVII аср ўрталари) даврлари бўсағасида юзага келди. Хитойга жуда кўплаб миссионер, савдогар ва сайёҳлар кела бошлади, хитой фалсафаси, тарихи ва адабиёти билан танишув бошланди. Бу ҳол бир тарафдан Хитойни Ғарб томонидан тушунилишига, бошқа бир тарафдан эса Хитойнинг ғарб мафқураси ва маданиятига сезиларли таъсирга сабаб бўлди. Таржимонлик фаолияти Хитойга Ғарбдан оммавий равишда ижтимоий-сиёсий, илмий-техник ва бадиий адабиёт кириб келганидан кейин, “Афюн урушлари”дан сўнг янада кенг қулоч ёйди. Кейинчалик Хитой ва бошқа давлатлар ўртасидаги ўзаро мулоқот аста секин-ортиб борди, ҳозирга келиб эса таржимонлик фаолиятининг роли ва мазмунига катта таъсир ўтказувчи муҳим омил бўлиб қолмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Россиялик хитойшунос И.С.Гуревич ўзининг “*临济录Línjì lù* Лин-жи қайдномалари” номли қадимги юйлуларнинг тадқиқига бағишланган мақоласида қуйидаги фикрларни билдиради: “Ҳаммага маълумки, буддавийлик дини Хитойга эрамиздан аввалги I асрда кириб келган. Хитойда буддавийликнинг тарқалишида миссионер-монахларнинг ҳиссаси жуда катта, улар савдогар ва ҳунармандлар билан бирга Хитойда санскритда ёзилган буддавийлик дини сутраларини хитой тилига таржима қилиб, оғзаки баён этиб юрганлар ва шу билан бу динни тарғиб қилишган.

Будда динига оид сутраларнинг хитой тилига илк таржималарини айнан оғзаки нутқ намуналари сифатида тавсифлаш ҳам буткул тўғри эмас. Лекин шу даврга оид ёзма ёдгорликлар орасида буддавийлик дини аҳкомлари шу даврнинг оғзаки нутқига энг яқин бўлган деб дадил айта оламиз”.

Буддизм дини воизлари ваъзларини имкон қадар кўпроқ оммага етказиш ва оммани жалб мақсадида оғзаки нутққа мослаштиришга уринганлар. Шунга кўра, III–V асрларга мансуб бўлган буддизм сутраларини айнан шу давр оғзаки нутқини тадқиқ этиш учун энг маъқул манба сифатида эътироф этишимиз мумкин. Дарҳақиқат, ваъз тингловчиларининг қизиқишларини уйғотиш ва имкон қадар кўпроқ кишини шу динга жалб қилиш учун воизлар ўз нутқларини оғзаки нутққа яқинлаштиришга ҳаракат қилганлар.

III–V асрларга мансуб бўлган ана шундай манбалардан бири 《太子須達拏經》 *Tàizǐ Xūdáná jīng* – Судана шаҳзодаси ҳақида сутранинг хитой тилига таржимасидир. Мазкур манба хитой тилига бир неча марта таржима қилинган. Манба ҳақида Хитойда буддизм дини тарихи бўйича йирик мутахассис олим К.С.Чен қуйидаги фикрларни билдиради : 《太子須達拏經》 *Tàizǐ Xūdáná jīng* – Судана шаҳзодаси ҳақида сутраси жуда кенг тарқалган манбалардан бири. Ушбу сутра санскрит тилидан хитой тилига бир неча марта таржима қилинган. 385–431 йилларда Шэн Цзян томонидан хитой тилига таржима қилинган сутра энг аниқ ва мукамал таржима сифатида қабул қилинган. Сутра таржимони Шэн Цзян ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, унинг ҳозирги Хитойнинг Шимоли-Ғарбидаги Гансу провинцияси, Ланжоу шаҳридан эканлиги маълум халос. Шэн Цзян ушбу сутрадан ташқари яна тўққиз сутрани таржима қилганлиги маълум”.

Хитойлик тилшунос徐时仪 Сьюй Шийи қадимги хитой тилининг икки тармоғи - вэнян ва байхуа тиллари лексикаси кескин фарқ қилиши нуктаи назаридан байхуа тилининг даврлаштирилишига оид фикрларни илгари сурди.

徐时仪 Сюй Шийи байхуа тилининг вужудга келиш даври (露头), байхуа тилининг ривожланиш даври (发展) ва байхуа тилининг етук даври (成熟) каби уч асосий даврга ажратади ва қуйидаги тартибда даврлаштиради.

Байхуа тилининг етук даври ўз ичига қарийб 500 йиллик даврни қамраб олади. Бироқ Цинг сулоласи тугатилгандан кейин Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган, расмий хитой адабий тили путунгхуага ўтилгунга қадар, яъни 1911 йилдан то 1955 йилгача 44 йиллик муддатда байхуа хитой тили тарихида катта бурилишларга сабаб бўлди. Биз бу давр хусусида кейинги бобларимизда фикр юритамиз.

Сюй Ши-йи “Қадимги байхуа манбалари Танг давригача бўлган халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз ичига олади”, деб ёзади. Байхуа тарихига оид илмий тадқиқотларнинг хулоса ва натижаларига кўра ушбу даврларга мансуб байхуа манбалари қуйидагиларни киритиш мумкин:

биринчидан, оғзаки нутқдан ёзиб олинган бадиий асарлар, масалан: Дунхуан бяньвэн (敦煌变文) лари, 宋元 Сунг Юан даври (960—1368й.й.) хуабен (话本)лар ва пингхуа (平话) лари, 金元 Дзин Юан (1115-1368 й.й.) сулоласи даврига мансуб джугонгдяо (诸宫调) лар, 元 Юан даври (1271-1368 й.й) задзюй (杂剧) лари, 明清 Минг Чинг (1368-1644 й.й.) даври байхуа романлари;

иккинчидан, айна бир даврнинг маълум бир эҳтиёж учун оғзаки нутқдан ёзиб олинган аниқ фактлар. Масалан: неоконфуцийчилик юйлу (语录) лари, буддавийлик юйлулари, дипломатик ёзувлар, суд ҳужжатлари, суҳбат баёнлари;

учинчидан, айрим вэнянда ёзилган асарлар ичида байхуа материаллари, жумладан, шеър, қўшиқ ва нутқларда ўша давр оғзаки нутқини ўзида акс эттирган тарихий биографик маълумотлар, тошларга ўйиб ёзилган битикларда ҳам оғзаки мулоқот тили байхуага мансуб матнларни учратишимиз мумкин.

Байхуа тилининг илк даврига мансуб манбалардан энг кўп ўрганилганлари пингхуа, бяньвен ва юйлу жанрларидаги манбалардир. Бунга асосий сабаб бу жанрлардаги манбалардан анча қисми сақланиб қолган бўлиб, нафақат хитойлик тилшунослар, балки рус ва Европа хитойшунослари томонидан ҳам ўрганилган. Манбаларнинг илмий тадқиқидан олинган хулосаларга таянган ҳолда байхуа тилининг тарихий такомилли, хусусиятлари ва вэняндан фарқли жиҳатларини ўрганишда аниқ ва муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

Пингхуа терминининг изоҳи хитой тилшунослиги тарихига оид тадқиқотларда турлича талқин этилади. Бироқ турли изоҳ ва талқинлардан бир нарсани эътироф этиш мумкинки, пингхуа жанри, авваломбор, тарихий баёнларни англатади. Унинг Сун давридаги 講史 *jiǎngshǐ*

номи билан юритилганлигини кўришимиз мумкин. Бунда 講史 *jiǎngshǐ* даги 講 *jiǎng* “гапирмоқ, сўзламоқ”, 史 *shǐ* “тарих” маъносини англатиб, тарихни сўзламоқ демакдир.

И.С.Гуревичнинг таъкидлашича, ушбу жанр бўйича Хитой тилшунослиги тарихи ва бошқа хитойшунослик мактабларида олиб борилган тадқиқотлар кам ёки деярли мавжуд эмас. Бироқ манбаларни кузатар эканмиз, мазкур масала юзасидан оз бўлса-да, илмий ишлар мавжудлиги ва тадқиқотларда шу масалаларга ҳам тўхталиб ўтилганлигини, хусусан, хитойлик тилшунос олимларининг бир қатор илмий тадқиқотлари ва рус хитойшунос олимлари Б.Л. Рифтин, Л.К. Павловскаяларнинг, шунингдек, Гонконглик хитойшунос олим Лиу Тсун Ян, америкалик хитойшунос олим Дж.Крампларнинг илмий ишларида пингхуа жанри ҳақида фикр юритилганлигини кўришимиз мумкин. Мавзуимиз доирасида биз ана шу илмий тадқиқотлар натижаларига таяндик.

Л.К.Павловская пингхуаларни: “пингхуалар тилнинг икки тармоғи синтези натижасида юзага келган бўлиб, булар ёзма (расмий тарихшунослик ва мумтоз наср) ва оғзаки (фольклор) омухтасидир. Пингхуалар асосан халқ ҳикоячилариларнинг ижоди бўлиб, давлат тарихи сюжетлари баёни, сўзлаб бериш маҳоратидир, пингхуалар асосида тарихий фактлар ётади”, деб изоҳлаган.

Хитой ривоят насрига халқ оғзаки ижоди “пингхуа” катта таъсир кўрсатди.

Ҳозирда Хитой манбашунослигида пингхуага мансуб бир асар мавжуд бўлиб, ушбу асар “新编五代史平话 *xīn biān wǔdài shǐ píng huà* (“Қайта тикланган беш сулола тарихи пингхуалари”) номи билан юритилади ва ўз ичига қуйидаги беш пингхуа асарини қамраб олади:

1) 武王伐紂平話 *Wǔwáng fá Zhòu píng huà* - У қиролнинг Чжоуга қарши кураши баёни. Мазкур манба асосида Хитой тарихига оид реал воқеалар ётади. Чжоу қабиласи қирол У бошчилигида Ин сулоласи Чжоу Син билан кураши баёни;

2) 七國春秋平話 *Qī guó chūnqiū píng huà* - Етти қироллик баҳор-кузлари баёни. Ушбу тарихий манбада эрамиздан аввалги VII-III асрда Хитойдаги курашлар ва натижада Цин сулоласининг вужудга келиши ҳақида баён этилади.

3) 秦拼六國平話 *Qín pīn liù guó píng huà* – Чин сулоласи олти подшоҳликни бирлаштиргани ҳақида пингхуа. Пингхуада баён этилаётган тарихий воқеалар эрамиздан аввалги III асрда бўлиб ўтган. Пингхуанинг сарлавҳасидан кейин Чин императорининг ҳаёт йўли баён этилган.

4) 前漢書平話 *Qián hànshū píng huà* – Хан сулоласидан олдинги баёнлар. Эрамиздан аввалги III-II асрларда Хан сулоласининг илк давридаги бошқаруви ҳақида баён этувчи пингхуа.

5) 三國志平話 Sānguó zhì píng huà - *Уч подшоҳлик тарихи ҳақида пингхуа*. Ушбу манбада эрамизнинг II-III асрларида Хан сулоласининг инқирозга юз тутиши ва Уч подшоҳликка бўлиниши ҳақида баён этилади.

Манбаларни кузатар эканмиз, байхуа тилининг вужудга келиш даври, яъни эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр мобайнида байхуада ёзилган ушбу манба мисолида, 王力 Ванг Лининг қадимги хитой тилида икки ёзма адабий тил тизими мавжудлиги ҳақидаги фикрини эътироф этишимиз мумкин. Ушбу фикрни Л.К.Павловская ҳам таъкидлайди ва : “武王伐紂平話 Wǔwáng fá zhòu píng huà - У қиролининг Чжоуга қарши кураши ҳақида пингхуа матнида икки тармоқнинг аниқ чегараси ажралиб туради: тарихий фактлар баёни ва воизлар ўзлари баён этган қисми (воизлар асосан фольклор материалларидан кенг фойдаланганлар), бундан ташқари матн тилида икки қатлам мавжуд: бири – тарихий фактлар баён этилган қисмида адабий тил вэнян бўлса, воизлар баёнида оғзаки нутқ – байхуа кузатилади. Байхуада асосан ушбу пингхуаларда номлари тилга олинган қахрамонларнинг тавсифи келтирилади. Пингхуада шеърий киритмалар ҳам мавжуд”.

Тарихий мавзуларни маъқул кўрган ровийларнинг ижроси кунлаб, баъзан ҳафталаб ҳатто ойлаб давом этган. Уларнинг қиссалари пингхуа, яъни “оддий ҳикоя” деб номланган. Бизгача етиб келган пингхуаларидан “Беш сулола ҳақида янгидан тузилган оддий ҳикоя”ни алоҳида қайд этиш жоиз.

Б.Л. Рифтин юқорида номлари санаб ўтилган пинхулар орасида 武王伐紂平話 Wǔwáng fá zhòu píng huà - *У қиролининг Чжоуга қарши кураши ҳақида пингхуа* бошқа пингхуаларга нисбатан камроқ тарихий реал воқеалар билан йўғрилган бўлиб, бу манба кўпроқ фольклорга, сеҳрли эртаққа яқинлигини эътироф этади.

Пингхуа матни уч қисмдан (卷) иборат бўлиб, матнни кўздан кечириш жараёнида унда Лючао даврига мансуб тафсилотлар устуворликка эга эканлигини, бошқача қилиб айтганда, 武王伐紂平話 Wǔwáng fá zhòu píng huà - *У қиролининг Чжоуга қарши кураши баёни* умумий ҳажми 1900 белги (иероглиф)дан иборат матнда вэнян элементларининг устуворлигини, байхуага хос бўлган хусусиятларнинг деярли учрамаслигини қайд этиш мумкин.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, уч ярим минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган хитой тили тўғрисидаги кўпгина олимларнинг фикрига кўра, қадимги хитой тили дейилганда мумтоз хитой адабий тили – вэнян назарда тутилади. Бироқ хитой тилида ёзилган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар ва манбалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, вэняндан ўзининг лексикаси ва грамматик табиатига кўра фарқ қиладиган оғзаки мулоқот

тили – байхуа ҳам муомалада бўлган. Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб байхуа тилида ёзиб қолдирилган бир қатор адабий манбалар: бянвенлар, хуабен ва пингхуалари, джугонгдяолар, задзюларнинг лексик таркиби вэнян билан бир қаторда байхуа ҳам бўлган деб айтишимизга ва байхуа тилини учта қатта даврга ажратишимизга асос бўлади.

Байхуа тилининг вужудга келиш босқичида асосан буддавийлик дини аҳкомлари, яъни пингхуа, бянвен ва юйлу жанридаги матнлар асосида илк Хитой байхуа тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини ўрганишимиз мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гуревич И.С. Роль письменных буддийских источников для исследований в области исторической грамматики китайского языка / Розенберговский сборник. Востоковедные исследования и материалы. – СПб., 2014. – С. 157.

2. Чэнь К.С. Буддизм в Китае: исторический обзор (Исследования Принстона по истории религий, 1.). XII. - Принстон: Изд-во Принстонского университета, 1964. – С. 164-177. Распространено в Великобритании издательством Оксфордского университета. Бюллетень Школы востоковедения и африканистики, 29 (2), 414-416. DOI: 10,1017 / S0041977X00059280.

3. 徐时仪。《汉语白话史》。北京大学出版社。2015年，31页。

4. 变文biànwén – бирон ҳикоя ёки тарихий воқеанинг оғзаки баёни. Ушбу жанрда ҳикоянинг назмий қисмини қўшиқ қилиб қуйлаб, насрий қисмини баён этиб сўзлаб бериш. Бянвен жанрига асосан буддавийлик динига оид ҳикоялар, тархий воқеалар ва фольклор намуналари мансуб. Илк бянвенлар Цин даврига келиб Дунхуан ғорларидан топилган. Улар Дунхуан бянвенлари деб номланган.

5. 宋元话本Сун Юан сулолалари даври хуабенлари – бу жанрда ҳикоялар оғзаки сўзлаб берилган, бундан ташқари хуабенларга соялар театри, қўғирчоқ театри ҳам хуабен жанрига мансуб бўлган.

6. 平话 пинхуа - Сун даврида жуда урф бўлган, бадий асар ёки тарихий воқеани оғзаки ифодали гапириб бериш (насрий баён).

7. 金元诸宫调 Дзин Юан сулосаси давридаги джугонгдяолар – пипа мусиқий асбоби жўрлигида бирон ҳикояни қўшиқ қилиб айтиш халқ анъанавий санъати.

8. 元杂剧 Юан даври задзюлари – Сун даврида юзага келиб, Юан даврида кенг тарқалган жанрлардан бири. Ўша даврга мансуб ёзувчиларнинг асарларини қуйлаб ижро этилган. Юан драмаси номи билан ҳам юритилади.

9. 语录 юйлу – ёзиб олинган нутқ. Буддавийлик дини аҳкомлари баёни - юйлулар асосан Будда динининг Хитойда ёйилиши ва тарғиб этилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари

Шимолий Сун даврида дипломатик музокалар олиб боришда юйлу мулоқот воситаси ҳисобланган.

10. 徐时仪。汉语白话史。北京大学出版社。2015年，31页。
11. Гуревич И.С. К характеристике языка памятников жанра *пинхуа* (平話) периода Сун-Юань // Письменные памятники востока. №1. – СПб: Наука, 2004. – С. 108.
12. 李亦辉。论《武王伐纣平话》成书的方式·时间及地域》。学术交流·中国古代文学研究。//(C) 1994-2020 China Academic Journal Electronic Publishing House. <http://www.cnki.net>. 2011年1月总第202期, 159页; 李亦辉·怪力乱神的多源汇聚—
论《武王伐纣平话》的整体艺术构思及其民间叙事特征。温州大学学报(社会科学版);2011年06期; 伏建春;《武王伐纣平话》双音词研究。西华师范大学, 2019年; 江揽生。《古代白话说略》, 北京: 语文出版社, 2000年; 曹而云。《白话文体与现代性》, 上海: 上海三联书店, 2006年; 赵克勒。《古汉语书面语与口语的关系》, 《中国语文天地》, 第3期。
13. Crump J.K. Some Problems in the language of the “ShinbienWudayShyyPijng-huah” (vol. 1-2): Doct. diss. – New Haven, Yale University, 1950 (unpubl).
14. Рифтин Б.Л. Историческая эпопея и фольклорная традиция в Китае. – М., 1970; Рифтин Б.Л. От мифа к роману. – М., 1979; Liu Tsun Yan. В uddhist and Taoist Influenceson Chinese Novels. – Wiesbaden, 1962; Павловская Л.К. Пинхуа – народный исторический роман (на материале “Заново составленного пинхуа по истории пяти династий”): Автореф. дисс... канд. Филол. наук. – Л., 1975.
15. Зиямухамедов Ж.Т. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. – Тошкент: Чўлпон НМИУ, 2016. 47-бет.
16. Павловская Л.К. Заново составленное пинхуа по истории Пяти династий // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XVIII годовичная научная сессия. – М.: Наука, 1985. – С. 21.
17. 王力。《汉语史稿》。上册。中华书局·1980年, 第8页
18. Жанубий ва Шимолий сулолар даври (420-589 йй.)
19. 李亦辉。论《武王伐纣平话》成书的方式, 时间及地域》。学术交流·中国古代文学研究。// (C) 1994-2020 China Academic Journal Electronic Publishing House. <http://www.cnki.net>. 2011年1月总第202期, 160 页